

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.F.91.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

АЛЛАЁРОВ ТЎЛҚИН РЎЗИҚУЛОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ БУЙРУҚ ВА СЎРОҚ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ
ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Аллаёров Тўлқин Рўзикулович

Ўзбек тилидаги буйруқ ва сўроқ конструкцияларининг лингвопоэтик

хусусиятлари3

Аллаёров Тулқин Рузикулович

Лингвопоэтические особенности императивных и вопросительных конструкций
в узбекском языке27

Allayarov Tulkin Ruzikulovich

Linguopoetic features of imperative and interrogative structures in the Uzbek
language53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works57

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.F.91.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

АЛЛАЁРОВ ТЎЛҚИН РЎЗИҚУЛОВИЧ

**ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ БУЙРУҚ ВА СЎРОҚ КОНСТРУКЦИЯЛАРИНИНГ
ЛИНГВОПОЭТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Гулистон – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациyasi мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fil476 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.navoiiy-uni.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziyounet.uz манзилга жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юлдашев Маъруфжон Муҳаммаджонович,
филология фанлари доктори

Расмий ошпонентлар:

Нормаматов Султонбек Эрмаматович,
филология фанлари доктори

Пардаев Азамат Баҳронович,
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Гулистон давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.91.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «24» 12 соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: Гулистон ш., 4-мавзе. Тел.: (0367) 225-02-75 fax: (0367) 225-40-42, e-mail: glsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Гулистон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Гулистон ш., 4-мавзе. Тел.: (0367) 225-02-75.

Диссертация автореферати 2020 йил «09» 12 да тарқатилди.
(2020 йил «09» 12 даги 1 - рақамли реестр баённомаси)


Ё.Тожиев,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филология фанлари
доктори, профессор

М.Р.Маматкулов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, филология фанлари номзоди, доцент

Н.А.Раҳмонов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб бадиий матннинг тил хусусиятларини ўрганишга кизиқиш кучайди. Бунинг натижасида лингвопоэтика деб аталувчи тилшунослик тармоғи шаклланиб, истиқболли йўналишга айланди. Миллий тиллар доирасида унинг ўрганиш объекти, услубшунослик билан ўхшаш ва фарқли жиҳатлари, лисоний ва эстетик жиҳатдан таҳлилга лойиқ асарлар ва маҳоратли адибларнинг тили масаласи мазкур соҳа тадқиқотчиларининг эътиборида бўлди. Инсоният нутқий фаолиятининг ўзига хос ноёб тури бу бадиий адабиётдир. Унинг тилини ўрганишда, тадқиқ этишда лингвопоэтик таҳлил муҳим ўрин тутади.

Дунё тилшунослиги ўзининг кейинги давр ривожидида миллий тил ва адабий тилнинг ўзига хос ҳодисаларини теран тадқиқ қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Ижтимоий тараққиёт, барча фанларда бўлгани каби, тилшунослик олдида ҳам янги талабларни қўйди. Миллий тиллар ва уларнинг индивидуаллиги ҳодисаси глобал масалалар сирасида марказий ўринни эгаллайди. Кейинги йилларда яратилган бадиий асарларда миллий менталитетни бор бўйи билан кўрсатиб бериш тенденцияси кучайиб бормоқда. Зеро, бадиий адабиёт ва унинг тили давр руҳи кўпроқ акс этган ноёб манбалар бўлгани каби, бу ҳолат, ўз-ўзидан лингвопоэтик тадқиқотлар яратилишига ҳам таъсир қилади. Дунё тилшунослигида фаол қўлланиб келинаётган тавсифлаш, қиёслаш, функционал-семантик, лингвопоэтик, тарихий-типологик ва аналитик методлар асосида миллий адабиётимизга мансуб адабий асарлар матнининг синтактик хусусиятларини дунё тилшунослиги контекстида ўрганиш, уларни лингвопоэтик нуқтаи назардан таҳлил ва тадқиқ қилиш глобаллашув даври тилшунослигининг ўзига хос эҳтиёжга айланди. Бугунги кун илм-фани глобал ечимларни талаб қилмоқда экан, бадиий матннинг тил хусусиятларини теран илмий шарҳлаш, асар синтаксисининг лингвопоэтик имкониятларини очиб бериш сингари масалаларни ҳар томонлама кенг тадқиқ этиш дунё тилшунослигида кун сайин долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. «Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга кизиқиш кучаймоқда. Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир»¹. Тилимизни ҳар томонлама ривожлантириш хусусидаги бу вазифалар ўзбек тилининг барча сатҳларига оид ҳодисаларни янада чуқурроқ,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йилнинг 21 октябридаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4561730>

янада кенгрок тадқиқ этишни тақозо этади. Бунда тилимиз ривожига муносиб ҳисса кўшган ўзбек адибларининг асарларини турли аспектларда ўрганиш муҳим ҳисобланади. Бу борада ўзбек бадиий нутқидаги буйруқ ва сўроқ конструкцияларининг лингвопоэтик хусусиятларини очиб бериш тилимизнинг синтактик жиҳатдан ўзига хослигини кўрсатиб беришда катта аҳамиятга эга. Миллий тафаккур тарзидаги ўзига хосликлар буйруқ ва сўроқ шакллари орқали ниҳоятда аниқ ифодаланади. Мамлакат ва миллат тараққиётини белгиловчи асосий жиҳатлардан бири бўлмиш «миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» ғояси бугунги кунда барча соҳаларга кенг жорий этилаётганлиги сингари ўзбек тилшунослигида ҳам илмий юксалиш бўлиши, назарий ишланмаларнинг жаҳон андозалари даражасига кўтарилиши мажбуриятини кўяди. Шу нуқтаи назардан қараганда, императив ва интеррогатив қурилмаларнинг функционал, семантик-стилистик хусусиятларининг бадиий асарлар асосида ўрганилмаганлиги, бундай бирликларнинг лингвопоэтик жиҳатдан бениҳоя аҳамиятли эканлиги, уларнинг ўзбек тилшунослигида лингвопоэтика билан боғлиқ тадқиқотларнинг ривожига ҳисса қўшиши каби масалаларнинг ҳозиргача махсус монографик тадқиқ объекти бўлмаганлиги танланган мавзунинг долзарблиги ва заруратини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинганлигининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация илмий натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида бадиий асар тили ҳақидаги дастлабки илмий қарашлар қадимги юнон файласуфи

Аристотелнинг «Поэтика» асарида атрофлича берилган. Аристотелнинг мазкур асари том маънода сўз санъатига бағишланган илк махсус тадқиқот бўлиб, у «бадий сўз санъати ёхуд поэзия назарияси масалаларини тартибли баён қилишга бағишланган ягона обида бўлиб қолади»². Бадий асар тили масалалари бўйича Европа тилшунослигида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, хусусан, В.Виноградов, Г.О.Винокур, А.А.Потебня, Л.В.Щерба каби олимларнинг асарларида³ тил бирликлари таҳлилига жиддий эътибор қаратила бошланди. XX асрнинг ўрталаридан ўзбек филологиясида ҳам лингвопоэтик тадқиқотларда ёзувчи тили ва услуби, бадий асар тилини ўрганишга қизиқиш кучайди⁴. И.Султон, А.Ғуломов, Х.Дониёров, С.Мирзаев, Л.Абдуллаева, Э.Қиличев, С.Каримов, Б.Умуркулов, Х.Абдурахмонов, Н.Маҳмудов, И.Мирзаев, Г.Рихсиева, М.Йўлдошев ва бошқа тилшуносларнинг ишларида ҳам мазкур масала турли аспектларда тадқиқ этилган. Диссертацияни тайёрлаш жараёнида юқорида санаб ўтилган тилшуносларнинг тадқиқотлари чуқур ўрганилди, муносабат билдирилди ва улардан тадқиқотда унумли фойдаланилди.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек бадий адабиёти матнлари тизимидаги буйруқ ва сўроқ конструкцияларнинг поэтик хусусиятларини бадий нутқ сифати нуктаи назаридан баҳолаш ҳамда уларнинг лингвопоэтик имкониятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мустақилликкача ва ундан кейин яратилган бадий асарлар матнида қўлланилган буйруқ ва сўроқ конструкцияларни аниқлаш, таҳлил қилиш, тавсифлаш ва лингвопоэтик жиҳатдан илмий асослаш;

шеърий нутқда қўлланилган буйруқ ва сўроқ конструкцияларнинг функционал-семантик хусусиятларини ўрганиш ҳамда буйруқ ва сўроқ вазияти семантикасида муаллифнинг муносабатини аниқлаш;

бадий матнда буйруқ ва сўроқ конструкцияларнинг нутқни индивидуаллаштирувчи восита сифатидаги имкониятларини очиб бериш;

² Петровский Ф.А. Аристотелнинг поэтик санъат ҳақидаги асари. Бу ҳақда қаранг: Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – Б. 79.

³ Виноградов В.В. О языке художественной прозы. – Москва: Наука, 1980; Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – Москва, 1991; Потебня, А.А. Мысль и язык. – Москва: Лабиринт, 2007. – С. 241; Щерба Л.В. Языковая система и речевая деятельность. – Ленинград, 1974; Потебня А. А. Мысль и язык. – Спб., 1862.

⁴ Маҳмудов Н. Ойбек насрида ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1985. – Б. 48-50; Каримов С.А. Ўзбек тилининг бадий услуби: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1993; Имомова Г.М. Типик миллий характер яратишда бадий нутқнинг ўрни: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 1993; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80-йиллар): Филол. фан. д-ри... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Нормуродов Р.У. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000.

буйруқ ва сўроқ конструкцияларининг матнни шакллантирувчи хусусиятини муаллиф нутқи ва турли бадиий нутқ кўринишларидан олинган мисоллар асосида далиллаш;

буйруқ ва сўроқ конструкцияларнинг шеърий нутқда бадиий санъат ҳосил қилиш имкониятларини, насрий нутқда бадиий-эстетик қўлланиш хусусиятларини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзбек мумтоз ва замонавий ўзбек адабиётидаги турли жанрлардаги асарлар, хусусан, Алишер Навоий дostonлари, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий, Абдулла Қахҳор, Шукур Холмирзаев, Тоҳир Малик, Тоғай Мурод, Исажон Султон каби ёзувчиларнинг ҳикоя, қисса ва романлари; Абдурауф Фитрат, Каримбек Камий, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шавкат Раҳмон, Барот Бойқобилов, Муҳаммад Юсуф, Фахриёр, Иқбол Мирзо каби шоирларнинг шеърлари; Шароф Бошбековнинг драматик асарлари ҳамда матбуот саҳифаларида чоп этилган бадиий асарлар олинди.

Тадқиқотнинг предметини лисоний имкониятларнинг бадиий воқеланиш хусусиятлари, буйруқ ва сўроқ конструкцияларнинг бадиий-эстетик вазифалари ҳамда бадиий нутқдаги ўрни масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифлаш, қиёслаш, функционал-семантик, лингвопоэтик, тарихий-типологик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор ўзбек тилшунослигида буйруқ ва сўроқ конструкцияларининг матнни шакллантиришдаги ўрни ҳамда лингвопоэтик хусусиятлари монографик асосда кўрсатилган;

турли даврларда яратилган бадиий асарлар матнида қўлланилган буйруқ ва сўроқ конструкциялар аниқланиб, уларнинг лингвопоэтик хусусиятлари мисоллар таҳлили асосида далилланган;

шеърий нутқда қўлланилган буйруқ ва сўроқ конструкцияларнинг функционал-семантик хусусиятлари изоҳланган ҳамда буйруқ ва сўроқ вазияти семантикасида муаллифнинг услубий маҳорати очиқ берилган;

бадиий матндаги буйруқ ва сўроқ конструкциялар нутқни индивидуаллаштирувчи услубий, синтактик ва эмоционал-экспрессив восита эканлиги исботланган;

буйруқ ва сўроқ конструкцияларининг бадиий матнни шакллантирувчи хусусияти асар муаллифи нутқидан ҳамда монологик ва диалогик нутқ кўринишларидан олинган мисоллар ёрдамида асосланган;

ўзбек тилидаги буйруқ ва сўроқ конструкцияларининг шеърий нутқда бадиий санъат ҳосил қилиш имкониятлари, насрий нутқда бадиий-эстетик қўлланиш хусусиятлари лингвопоэтик таҳлил тамойиллари асосида аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

поэтик нутқда императив ва интеррогатив воситаларнинг функционал-семантик хусусиятлари аниқланган;

буйруқ ва сўроқ конструкциялар ва бадиий нутқ муносабати таҳлил

қилинган;

буйруқ ва сўроқ конструкцияларнинг шеърӣ, насрий ва драматик нутқда намоён бўлиш имкониятлари ҳамда уларнинг лингвопоэтик хусусиятлари комплекс ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қўлланилган ёндашув, усул ва назарӣ маълумотларнинг ишончли илмӣ ва бадиӣ манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар рационал-типологик, психологик ва комплекс таҳлил методлари воситасида асосланганлиги, назарӣ фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмӣ ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмӣ аҳамияти ўзбек миллий лингвопоэтикасини такомиллаштиришга хизмат қилиши, бадиӣ матннинг лингвистик таҳлили, нутқ маданияти ва услубияти, матн тилшунослиги, ўзбек тили тарихи, ҳозирги ўзбек адабий тили, ўзбек тилшунослиги тарихи, шунингдек, бадиӣ матн таҳлиliga структур, герменевтик ва қиёсий-типологик усулларни қўллаган ҳолда тилшуносликда лингвокогнитив йўналишдаги янги фундаментал тадқиқотлар яратишда назарӣ асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишнинг илмӣ хулосаларидан олий таълим муассасаларида назарӣ тилшунослик, матн тилшунослиги бўйича махсус курс ва семинарлар ўтиш, ихтисослик фанларини ўқитиш, «Ўзбек тилшунослиги тарихи», «Бадиӣ матннинг лингвистик таҳлили», «Нутқ маданияти ва услубияти», академик лицейлар ва умумтаълим мактаблари учун ўзбек тили фани бўйича дарслик ва қўлланмалар яратишда, оммавий ахборот воситаларида ўзбек адабиёти намояндаларининг ўзбек тили ривожига ролини тарғиб этишга хизмат қилувчи муҳим манба бўлиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилидаги буйруқ ва сўроқ конструкцияларининг функционал-семантик ва лингвопоэтик хусусиятлари тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

ўзбек тилидаги бадиӣ матнлар императив ва интеррогатив бирликларнинг лисонӣ имкониятлари, уларнинг лексик-грамматик ҳамда лингвопоэтик хусусиятлари тадқиқ этилиши натижасида олинган хулосалардан Алишер Навоӣ номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида 2017-2018 йилларда бажарилган ОТ-А1-018-рақамли «Ўзбек тили ва унинг таржимаси билан боғлиқ электрон ва банк-молия терминларининг кўп тилли луғатларини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 22 июндаги 89-03-2182-рақамли маълумотномаси). Натижада мазкур қисмдаги назарӣ фикрларнинг иллюстратив мисоллар билан далилланиш даражаси ортган;

ўзбек тилидаги бадиӣ асарларда қўлланилган буйруқ ва сўроқ конструкцияларининг лексик-семантик, лингвопоэтик ва бадиӣ-эстетик таҳлил тамойиллари асосида чиқарилган илмӣ хулосалардан 2018-2020 йилларда

бажарилган ФА-Ф1-Г003 рақамли «Ҳозирги қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши» («Функциональное словообразование в современном каракалпакском языке») ҳамда ФА-А1-Г007 рақамли «Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида» мавзуларидаги фундаментал ва амалий илмий лойиҳаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2020 йил 17 августдаги 141/1-сонли маълумотномаси). Натижада поэтик ва насрий нутқ кўринишларида императив ва интеррогатив конструкцияларнинг функционал-семантик хусусиятлари ва бадиий-эстетик имкониятлари ҳақида хулосалар чиқаришга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари бўйича 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш: 13 та мақола, 1 та ўқув-услугий қўлланма, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республикада ҳамда 1 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган, умумий ҳажми 124 саҳифа.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тилшуносликда буйруқ ва сўроқ қурилмаларни тадқиқ қилишнинг назарий масалалари**» деб номланган биринчи бобида бу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар таҳлил қилинган, дунё тилшуносларининг буйруқ ва сўроқ қурилмалар тушунчасига берган таърифлари, бундай қурилмаларнинг лингвопоэтик хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар тавсифланган.

Бобнинг «**Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи масалалари**» деб номланган 1.1-қисмида лингвистик тадқиқот соҳаси сифатида бадиий матннинг лисоний таҳлили ва лингвопоэтиканинг пайдо бўлиши, у билан боғлиқ диссертацион тадқиқотлар ҳақида сўз юритилган.

Маълумки, поэтика атамаси дастлаб Аристотелнинг «Поэтика» асарида қўлланган. Аммо мутахассислар фикрича, «Аристотель назарияси фақатгина унинг шахсий кузатишлари ва бадий адабиёт асарларини ўрганишгагина эмас, балки унинг замондошлари ва ундан олдин ўтган кишиларнинг адабиёт назарияси бўйича олиб борган текширишларига ҳам асосланган»⁵. Энг қадимги даврлардан бери поэтика термини адабиётшуносликка оид фан сифатида қаралади. Бироқ поэтика адабиётшуносликка қанчалик алоқадор бўлса, тилшуносликка ҳам шунчалик алоқадордир. Машхур рус филологи В.Жирмунский «Поэтиканинг вазифалари» номли ишида А.А.Потебня асарларидаги, гарчи унинг яхлит концепциясида эътирозли ўринлар кўп бўлса-да, поэтикани тил ҳақидаги умумий фан – лингвистика билан яқинлаштиришдан иборат методи ўта самарадор эканлигини ва шунинг учун кенг эътироф этилганлигини алоҳида таъкидлайди⁶. Бу борада В.Жирмунскийнинг поэтика ва лингвистика ўртасидаги чамбарчас боғлиқлик ҳақидаги қуйидаги фикрлари алоҳида эътиборга молик: «Ҳамонки, поэзиянинг материали сўз экан, поэтиканинг системали тузилиши асосига бизга лингвистика берадиган тил фактларининг таснифи қўйилмоғи лозим. Бадий вазифага бўйсундирилган бу фактларнинг ҳар бири шу тариха поэтик усул (приём)га айланади. Шундай қилиб, тил ҳақидаги фаннинг ҳар бир бўлимига назарий поэтиканинг алоҳида бўлими мувофиқ келиши керак»⁷. Бунда олим поэтик фонетика, поэтик морфология, поэтик синтаксис каби тармоқларни назарда тутди. Бадий матннинг эстетик жиҳатдан шаклланишида тил бирликларининг қўлланилиш тарзи алоҳида ўрин тутди ва ундан юзага келадиган поэтик гўзалликлардан ҳайратга тушган тилшунос Р.Якобсон «Лингвистика ва поэтика» номли маърузасида поэтикани лингвистиканинг асосий қисми сифатида қараш лозимлиги ҳақидаги фикрни ҳам илгари сурган⁸. Бадий асар тили, стилистика, поэтика масалаларининг атоқли тадқиқотчиси В.Виноградов жуда кўплаб асарларида бадий тил масаласига кўп эътибор берган. Масалан, «Стилистика. Поэтик нутқ назарияси. Поэтика» номли фундаментал асарида, хусусан, поэтика ҳақида фикр юритар экан, адабий-бадий асар структурасини ўрганишга ҳам лингвистик, ҳам эстетик-стилистик, ҳам адабиётшунослик, ҳам бошқа санъатшунослик ёндашувлари поэтика доирасида бирлашиб кетишини таъкидлайди⁹. Демакки, бадий матн поэтикасига лингвистик ёндашув, яъни лингвопоэтика бошқа ёндашувларни асло инкор этмайди, балки мазкур ёндашувнинг етакчилигини кўрсатади¹⁰. «Бадий нутқ бошқа нутқ турларидан борлиқни образли идрок этишнинг энг

⁵ Петровский Ф.А. Аристотелнинг поэтик санъат ҳақидаги асари. Бу ҳақда қаранг: Аристотель. Поэтика. Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – Б. 78.

⁶ Жирмунский В.М. Теория литературы. Поэтика. Стилистика. – Ленинград: Наука, 1977. – С. 15.

⁷ Жирмунский В.М. Ўша асар. – Б. 28-33.

⁸ Бу ҳақда қаранг: Хованская З.И. Анализ литературного произведения в современной французской филологии. – Москва: Высшая школа, 1980, – С. 99.

⁹ Виноградов В.В. Проблемы русской стилистики. – Москва: Высшая школа, 1981, – С. 169. Бу ҳақда қаранг: Йўлдошев М. Бадий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 21.

¹⁰ Йўлдошев М. Ўша манба. – Б. 21.

маҳсулдор воситаси, эстетик таъсирининг ўта юқори даражада эканлиги билан ажралиб туради»¹¹.

Бадиий матнда сўз қўллаш билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиш, тилшунослик билан бир қаторда адабиётшунослик, эстетика, маданиятшунослик, психология каби фанларнинг ҳам муҳим тадқиқот объектига айланиб улгурган. Бу эса бадиий сўзга турли аспектларда ёндашишнинг маъқул ва мақбул эканлигини кўрсатиш баробарида фанлараро интеграциянинг жадал ривожланишига олиб келмоқда.

Бадиий матнни лисоний жиҳатдан тадқиқ қилишнинг бошланғич даврларида бадиий матн лингвистик ҳодисаларни асослашга хизмат қилувчи восита сифатида қаралган. Кейинроқ услубшунослик тамойилларига кўра текширилган асарлар кўпайди ва улар бадиий матннинг лисоний таҳлили учун намуна вазифасини ўтай бошлади. Бу йўналишдаги ишлар давр ва эҳтиёжга кўра муайян вазифани бажарганлиги аниқ. Бундай тадқиқотлар тилнинг муайян даврдаги ҳолатини кузатишимиз, ижодкорларнинг бадиий тилнинг тақомилига қўшган ҳиссасини аниқлашимиз учун бениҳоя фойдали манбалардир. Тилшунослар Х.Дониёров ва С.Мирзаевлар бунини шу тарзда изоҳлаганлар: «Тилдаги ўсиш-ўзгаришларни ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўядиган аспект – лингвистик аспект, ёзувчининг умумхалқ тилига бўлган муносабати, тил бойликларидан фойдаланиши, ёзувчи маҳорати, стили ҳақида хулоса чиқарувчи аспект – стилистик аспект»¹². Бу борада ўзбек тилшунослари диққатга молик тадқиқотларни амалга оширганлар. Жумладан, Ф.Абдуллаев, Ғ.Абдурахмонов, Б.Бафоев, Х.Дониёров, Т.Жумаев, Ф.Исҳоқов, А.Рустамов, Б.Турдалиев¹³ ва бошқа тилшуносларнинг ишлари бунга мисол бўла олади. Бу йўналишдаги ишларда тилнинг эстетик ва экспрессив вазифаси эмас, балки кўпроқ коммуникатив вазифасига эътибор қаратилган.

«Бундай йўналишлардаги тадқиқотларда асосий мақсад давр тилининг ўзига хосликларини белгилаш, умумхалқ тилидаги у ёки бу тил ҳодисанинг

¹¹ Турдалиева Д. Ўзбек халқ мақолларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри.(PhD) дисс. – Қарши, 2019. – Б.10.

¹² Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. – Тошкент: Ўзбекистон, 1962. – Б. 173-174.

¹³ Новиков Л.А. Художественный текст и его анализ. – Москва: Русский язык, 1988; Назарова О.Оязыке произведений Хамзы Хақимзаде Ниязи: автореф. дисс....канд.филол.наук. – Ташкент, 1944; Раҳматуллаева М. К вопросу изучения синонимов в языке Алишер Навои: Автореф. дисс....канд.филол.наук. – Ташкент, 1965; Рустамов А. Алишер Навоий асарлари тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари: Филол. фан. докт. ...дисс. – Тошкент, 1969; Самадов К. Некоторые вопросы языкового мастерства Айбека: автореф. дисс....канд. филол. наук. – Ташкент, 1967; Бафоев Б. Сложные существительные в лирике Алишера Навои: Автореф. дисс....канд. филол. наук. – Ташкент, 1968; Шомақсудов А. Муқимий сатираларининг тили. – Ташкент, 1970; Чарыев Б. Некоторые вопросы лексики поэзии Г.Гуляма: Автореф. дисс....канд. филол. наук. – Ташкент, 1972; Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы «Фархад и Ширин»: Автореф. дисс....канд. филол. наук. – Ташкент, 1973; Ярыев Б. Язык поэзии Максуда Шайхзаде: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Махматмуратов Ш. Язык «Дивана» Хамзы Хақимзаде Ниязи: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; Каримов С. Язык и стиль произведений Зулфии: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1983; Аширбоев С. Структурно-семантические особенности простого предложения в прозаических произведениях Алишера Навои: Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Тошкент, 1990; Абулхайров М. «Девони Мунис» тилининг лексик қатламлари: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1996; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол.фан.номз....дисс. автореф. – Тошкент, 2000.; Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2001; Раҳматов М. Алишер Навоийнинг насрий асарларида чун боғловчили гапларнинг синтактик хусусиятлари: Филол. фан. номз. ...дисс. автореф. – Ташкент, 2006.

айни даврда, хусусан, муайян асар тилида намоён бўлишини кузатиш ва шу асосда тилдаги ўзгаришлар билан боғлиқ қонуниятларни белгилашдан иборат бўлади. Бу ёзувчининг бадиий тил маҳоратини ўрганиш, яъни адабий-бадиий асарни яхлит санъат асари, эстетик бутунлик сифатида тадқиқ этиш бўлмайди. Аммо таъкидлаш лозимки, бундай йўналиш ҳам бениҳоя зарурий бўлиб, умумхалқ тилининг ривожланиши, адабий тилнинг шаклланиши, тил ҳодисасининг моҳияти ва тараққиётининг қонуниятлари билан боғлиқ илмий-назарий ва илмий-амалий хулосаларни чиқаришнинг асосий йўллари билан биридир. Шунинг учун ҳам барча тилшуносликларда, хусусан, ўзбек тилшунослигида ҳам бундай йўналишлардаги тадқиқотлар жуда катта миқдорни ташкил этади»¹⁴. Ўзбек тилшунослигида бадиий тил, бадиий нутқ стилистикаси, алоҳида ёзувчининг асарлари тили ва услуби муаммоларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар анчайин катта миқдорни ташкил этади¹⁵. Бадиий асар тили ва бадиий нутқ стилистикаси ҳамда лингвопоэтик тадқиқотлар бўйича Р.Қўнғуров¹⁶, И.Қўчқортоев¹⁷, Қ.Самадов¹⁸, Б.Йўлдошев¹⁹, Х.Дониёров ва С.Мирзаев²⁰, Л.Абдуллаева²¹, Э.Қиличев²², П.Қодиров²³, С.Каримов²⁴, Б.Умуркулов²⁵, Х.Абдурахмонов ва Н.Маҳмудов²⁶, М.Йўлдошев²⁷, Д.Анданиёзова²⁸ Ш.Тошхўжаева²⁹, Д.Турдалиева³⁰ каби кўплаб олимларнинг номларини тилга олиш мумкин.

Биринчи бобнинг «**Императив қурилмаларнинг функционал-семантик ва лингвопоэтик имкониятлари**» деб номланган 1.2-қисмида ўзбек тилидаги императив қурилмаларнинг функционал-семантик ва услубий хусусиятлари тадқиқ қилинган.

¹⁴ Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2008. – Б. 9.

¹⁵ Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979; Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы «Фархад и Ширин» Алишера Навои: Автореф. дис. ...к-та филол. наук. – Ташкент, 1973; Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка «Лисан ат-тайр» Алишера Навои: Автореф. дис. ...к-та филол. наук. – Ташкент, 1982.

¹⁶ Қўнғуров Р. Ўзбек тили стилистикасидан очерклар. – Самарқанд, 1975.

¹⁷ Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. – Тошкент: Фан, 1975.

¹⁸ Самадов Қ. Ойбекнинг тил маҳорати. – Тошкент: Фан, 1981; Самадов Қ. Ўзбек тили услубияти (бадиий услуб). – Тошкент: Ўқитувчи, 1991.

¹⁹ Йўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси. – Самарқанд, 1982; Юлдашев Б. Стилистический анализ узбекской художественной прозы. – Ташкент: Ўқитувчи, 1989.

²⁰ Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1962; Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стил. – Тошкент: Фан, 1988.

²¹ Абдуллаева Л. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы. – Ташкент: Фан, 1979.

²² Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. – Тошкент: Фан, 1982.

²³ Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. – Тошкент: Фан, 1973.

²⁴ Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби: Филол. фан. д-ри ...дис. автореф. – Тошкент, 1993.

²⁵ Умуркулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент: Фан, 1990.

²⁶ Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. – Тошкент: Фан, 1981; Маҳмудов Н. Ўзимиз ва сўзимиз. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1997. – Б. 58-66.

²⁷ Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи. Филол. фан. док. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2009.

²⁸ Анданиёзова Д. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Тошкент, 2017.

²⁹ Тошхўжаева Ш. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси: Филол.фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) дисс. автореф. – Фарғона, 2017.

³⁰ Турдалиева Д. Ўзбек халқ мақоллари лингвопоэтикаси. Филол. фан. бўйича фалсафа д-ри. (PhD) дисс. – Қарши, 2019.

Ўзбек тилшунослигида буйруқ гапларнинг грамматик хусусиятлари ва бундай гапларда экспрессивликнинг ифодаланиш масалалари кенг ўрганилган³¹. Лингвопоэтик жиҳатдан эса тўлиқ ўрганилмаган. Буйруқ конструкциялар лингвопоэтик тадқиқотлар учун муҳим объект бўла олади. Чунки императивлик функционал-семантик категория сифатида модалликнинг умумий категорияларига қараганда анча мураккаб моҳиятга эга³². Императив ифодалар анъанавий ва ирреал модаллик билан боғлиқ бўлган (Г.А.Золотова ва М.В.Всеволодова концепциясида) объектив ташқи синтактик модалликнинг бир тури, шу билан бирга «мажбурият» ва «имконият» маъноларини очиб беради, яъни улар ҳам ички синтактик модаллик билан бевосита алоқада бўлади (диний мазмундаги тадқиқотларида модалликнинг бу тури «волонтиратив модаллик» деб юритилади) дейилади³³.

Тадқиқотчилар императивликни функционал-семантик категория сифатида модаллик тизимининг маъно билан алоқадор таркибий қисми доирасида кўриб чиқилиши (масалан, «тасдиқ/инкор» ва бошқ.) зарурлигини таъкидлайдилар³⁴. Бу борада миллий тилшуносликларда анча-мунча тадқиқот қилинган ва императивларнинг мазмуний мундарижаси ишлаб чиқилган. Масалан, ўзбек тилшунослиги ва ўзбек тили стилистикаси билан боғлиқ адабиётларда буйруқ ифодаловчи гаплар ҳақида маълумотлар берилган³⁵.

Императив қурилмалар ифода имкониятига кўра жуда кенг диапазонга эга: сўзловчининг ёки нутқ эгасининг мақсади ва истак-ихтиёрига кўра муайян фикр буйруқ, илтимос, маслаҳат ёки бошқа шаклларда тингловчига етказилиши мумкин. Буйруқ ва истакнинг ифодаланиши юзасидан О.Г.Беляева, М.Я.Блох, А.В.Дорошенко, Л.П.Чахоян, Дж.Лайонс ва уларнинг издошлари жиддий функционал-семантик таҳлилларни олиб бордилар. Натижада буйруқ мазмунли гапларнинг турли хил семантик турларини аниқлаш ва уларнинг тема-рематик муносабатларини ўрганиш имкони яратилди³⁶. Бадиий матнда персонажларнинг императив мазмундаги нутқи ва муаллиф баёни ўртасида яқин семантик-функционал ва прагматик боғлиқлик мавжуд, чунки улар битта коммуникатив вазифа асосида ўзаро боғлиқдир.

«А.В.Бондарко императивлар ва императив вазият тушунчасининг функционал-семантик майдонини ёритган бўлса, В.С.Храковский ва Л.А.Бирюлинлар буйруқ нутқ актларининг семантик талқинига ва прагматик омилларга асосланиб, буйруқнинг уч поғонали мазмуний таърифини ишлаб чиқдилар, амалиётда деярли барча тадқиқотчилар рус тилида буйруқ актининг ифодаланиши ва уларнинг семантик-прагматик бўлиниш ҳақида ўз

³¹ Шомаксудов А, Расулов И, Қўнғуров Р, Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент. 1983.; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983.

³² Храковский В.С., Володин А. П. Семантика и типология императива: Русский императив. Ленинград: Наука, 1986. – С. 270.

³³ Изотов А.И. Функционально-семантическая категория императивности в современном чешском языке как прагмалингвистический феномен: Автореф. дисс. док. филол. наук. – Москва, 2007.

³⁴ Бирюлин Л. А. Семантика и прагматика русского императива. Helsinki, 1994. – С. 229.

³⁵ Шомаксудов А., Расулов И., Қўнғуров Р., Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 153-161.

³⁶ Бу ҳақда қаранг: Котнюк Л.Г. Особенности функционирования императивных высказываний в художественном тексте. Славянский вестник. Вып.2. МГУ им. М.В.Ломоносова. – Москва: 2004. – С. 19.

вариантларини таклиф қилдилар. Ҳатто рус тили материалларини назарда тутсак ҳам бу мавзу ҳали тугалланган, ҳар томонлама охирига етган эмас. В.С.Храковский ва Л.А.Бирюлин томонидан таклиф қилинган буйруқ ифодасининг маъновий структураси ҳам баъзи ижтимоий аҳамиятли буйруқ кўринишларини (масалан, рухсат, таклиф, тавсия кабиларни) қамраб олмаган. Шунингдек, буйруқ майли функционал-семантик категория даражадаги транспозициясининг лингвистик механизми етарлича тавсифланмаган. Буйруқ интерпретациясини таснифловчи вариантларининг кўплиги бу борада ҳали қилиниши керак бўлган ишларнинг, ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларнинг кўплигини кўрсатмоқда»³⁷.

Нутқ лисоннинг жонли воқеланиши ва реал намоён бўлишидир. Унга лисоний қонуниятлар, лисоний бирлик ва структурага хос барқарор белгиларнинг фойдаланувчи онгли фаолияти асосида, нутқ йўналиши ва оқими сифат ҳамда миқдорига бевосита ёки билвосита таъсир қилувчи нолисоний омиллар билан қоришган ҳолда моддийлашуви сифатида қаралади. (...) Барча моддий реаллашган системалар каби нутқий система ҳам, бир томондан, диалектик қонуниятлар асосида шарҳланувчи қатъий тартиб ва «тартибсизлик»ни ўзида бирлаштиради. Бу диалектик таъбир билан айтганда, зарурият ва тасодиф, мажбурият ва эркинлик категориясининг ўзига хос равишда намоён бўлишидир»³⁸.

«Кўринадики, нутқ тушунчаси сўзловчининг идрок қилиш ва ифодалаш фаолиятининг маҳсули сифатида қатор янги йўналишлар объекти бўлиши мумкин»³⁹. Тилшунос олим нутқни прагмалингвистик аспектда текширади ва нутқда яширин маъноларнинг ифодаланиш механизми ҳақида шундай ёзади: «Ифоданинг умумяширин мазмуни ўзининг қуйидаги баъзи кўринишларига эга бўлади: импликация, тагмаъно, аллюзия, пресуппозиция, номатний маъно»⁴⁰. Бу фикрлардан нутқнинг қатламдорлиги ва тушунилиши билан боғлиқ мураккаб лингвопсихологик жараён эканлигини англаш қийин эмас.

Бадиий матнда ифодаланган маънолар таҳлилида текширувчининг позицияси муҳим ҳисобланади. Ёзувчининг эстетик ниятини ўрганиш мақсад қилинганда «ёзувчи марказли» таҳлил амалга оширилади ва ёзувчининг маҳорати ўртага чиқарилади. Асар қаҳрамонларининг ички дунёси, лисоний маданияти текшириш мақсад қилинган бўлса, асар «қаҳрамони марказли» таҳлилга тортилади. Бундан ташқари «матн марказли» таҳлилда барча бирликлар матнни шакллантирувчи бирликлар сифатида матн тилшунослиги нуқтаи назаридан текширилади.

Ўрнидан туриб, қовоғини солди-да, тўсатдан шерикларига қараб деди:

– Тур ўрнингдан, ўтираверасанми? Биттангни қадр-қимматинг ўша қизчалик эмас, гийбат қилиб гап сотишингни қара!

³⁷ Изотов А.И. Функционально-семантическая категория императивности в современном чешском языке как прагмалингвистический феномен. Автореф. дисс. док. филол. наук. – Москва: 2007. – С. 3-4.

³⁸ Эрназарова М. Грамматик маъно лисоний ва прагматик омиллар яхлитлигида. – Тошкент: Академнашр, 2016. – Б. 155.

³⁹ Ҳакимов М. Ўзбек прагмалингвистикаси асослари. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б.174. – Б. 31.

⁴⁰ Ҳакимов М. Ўша асар. – Тошкент: Академнашр, 2013. – Б. 96.

Кейин қўшиб қўйди:

– *Яхшиси, жўна ҳамманг уйингга, бола-чақангни олдига!* (И.Султон).

Келтирилган мисолга эътибор берилса, императив мазмун ифодаланган иккита гап борлиги англашилади. Бу гаплар лексик ва семантик жиҳатдан фарқли шаклланган. Биринчи гапда *Биттангни қадр-қимматинг ўша қизчалик эмас, ғийбат қилиб гап сотишингни қара!* сўзловчи нутқида буйруқ оҳангида мажбурийлик олдинги планга чиқарилмаган. Кўпроқ айтилаётган гапга «эътиборни қаратиш», «нутқ қаратилган кишиларга танбеҳ бериш», «қилинган ишнинг маъқул эмаслигини кучли оҳангда таъкидлаш» каби императивлар қаторида жинслараро тўғри/нотўғри ёки мақбул/номақбул фаолият айрими ҳам ифодаланган. «Биттангни» сўзи нутқнинг кўпчиликка қаратилганлигини кўрсатиб турибди. «Қадр-қиммат» сўзи эса аслида эркакларга хослигини таъкидлашга уриниш сезилади, бироқ «*ғийбат қилиб гап сотиш*» ифодаси фонида «қизча»да қиёсланаётган шахсларга нисбатан баланд эканлигига ишора қилинмоқда. Императивнинг кескин тарзда ифодаланишида бирлик мазмунидаги кесим «*қара!*»нинг ўз ўрни бор. Нутқ «*қараларинг!*» тарзида ҳам ифодаланиши мумкин эди. Бунда ҳам салбий маъно бўрттирилган ҳолда акс этар эди. Аммо сўзловчи бир кишига қаратилган кескин оҳанг орқали буйруқнинг «эркинлик» ва «имконият» маъносини фаоллаштиришга эришган. «Эркинлик» маъноси «ғийбат қилмаслик», «гап сотмаслик», «қадр-қимматни йўқотмаслик» маъноларининг умумлашмасида аниқ кўринади. Яъни «ғийбат қилиш», «гап сотиш», «қадр-қимматнинг йўқолиши»га олиб келади. Буларга эътибор қилмаслик ҳам мумкин, тингловчи маълум маънода «эркин», унга шундай «имконият» бериляпти. Шунга кўра, сўзловчи нутқида реаллашган императивнинг мазмуний мундарижасида юқорида таъкидланганидек, «мажбурийлик»дан зиёда «эркинлик» ва «имконият» маънолари аниқ сезилади, дейиш мумкин.

«*Яхшиси, жўна ҳамманг уйингга, бола-чақангни олдига!*» гапида «мажбурийлик» аниқ сезилади. Муаллиф бунда «*жўна ҳамманг уйингга*» гапи орқали буйруқнинг тингловчиларнинг ҳаммасига тегишли эканлигини таъкидлайди. Синтактик тартибнинг эркинлиги императив оҳанг мақсадига мувофиқ танланган. Сўзловчи, шунчаки, ҳайдаш билан кифояланиб қолмаяпти. Уйига, бола-чақасининг ёнига кетиши шарт қилиб қўйиляпти. Кириш сўзи вазифасидаги бирлик ҳам «мажбурият» мазмунини таъкидлашга хизмат қилган. Буйруқ кўринишларини таснифлашда вариантларнинг ниҳоятда кўплиги боис муаммони янада кенгроқ ўрганиш зарурлигини кўрсатади⁴¹. Ўзбек бадий адабиётидаги императив конструкцияларнинг мазмун-мундарижаси ва ифода имконларининг тўлиқ ўрганилиши тилшунослигимизнинг ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилиши баробарида тилимизнинг яширин имконларини намоён қилади.

Биринчи бобнинг «**Интеррогатив қурилмаларнинг функционал-семантик ва лингвопоэтик имкониятлари**» деб номланган 1.3-қисмида сўроқ

⁴¹ Изотов А.И. Функционально-семантическая категория императивности в современном чешском языке как прагмалингвистический феномен. Автореф. дисс. док. филол. номз. ...дисс. – Москва: 2007. – С. 3-4.

гаплар ва уларнинг бадиий матндаги ўзига хос поэтик имкониятлари ҳақида сўз юритилади. Ўзбек тилшунослигида сўроқ гапларда эмоционал-экспрессив фикрнинг ифодаланиши, сўроқ гапларнинг мазмуний мундарижаси, сўроқ гапларда тасдиқ ва инкорнинг ифодаланиш хусусиятлари бўйича бир қатор тадқиқотлар мавжуд. Лингвопоэтика ва лингвокультурология бўйича олиб борилган тадқиқотларда ҳам интеррогатив конструкцияларнинг ўзига хос қирралари таҳлилга тортилган⁴². 1987 йилда эса А.Абдуллаевнинг «Ўзбек тилида экспрессивлик ифодаланишнинг синтактик усули» номли монографияси нашр этилди⁴³. Унинг мазкур монографиясида сўроқ гапларда экспрессивликнинг ифодаланиш усуллари ҳақида батафсил маълумот берилади. Тилшунос М.М.Ҳайназарова эса «Сўроқ гапларда шакл ва мазмун номувофиклиги» мавзусида диссертацион тадқиқот амалга оширган⁴⁴. Мазкур тадқиқотда сўроқ гаплардаги шаклий ва мазмуний номувофиклик чуқур таҳлил қилинган.

– *Ҳа, нега қоққан қозикдай қаққайиб турибсан? Ўтир! (Ўткир Ҳошимов).*

– *Нега эшикнинг олдида турибсиз? Киринг! (Сўзлашувдан).*

Биринчи гапдаги «Нега қоққан қозикдай қаққайиб турибсан?» гапининг ички тузилишидан «Қоққан қозикдай қаққайиб турма» буйруқ ахборотининг англаниши билан бирга, ундан сўнг юзага чиқиши керак бўладиган ноқисликни ифодаловчи нутқ бирлиги ҳам ишлатилади. Биринчи гапдан англашиладиган яширин мазмунда фақат «Қоққан қозикдай қаққайиб турма» ахборотигина эмас, балки ундан сўнг қўлланган буйруқ гапининг маъноси кучли тарзда ифодаланади. Иккинчи гапдаги сўроқ гапда «Эшикнинг олдида турманг» буйруқ маъноси эмас, балки ундан сўнг қўлланган «Киринг» буйруқ гапининг маъносини кучли тарзда англатиш мақсад қилиб олинган»⁴⁵.

«Бадиий матнда қўлланилган императив қурилмаларнинг лингвопоэтик хусусиятлари» деб номланган II бобда буйруқ гапларнинг бадиий нутқ кўринишларида қўлланилиш тарзи ва уларнинг лингвопоэтик хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

Бадиий матнда буйруқ-истак мазмунли birlikларнинг алоҳида ўрни бор. «Бунда тингловчини бирор ишни бажариш ёки бажармасликка ундаш, даъват этишдан ташқари, дўқ, қатъий буйруқ, илтимос, маслаҳат, ялиниш, таклиф кабилар ҳам ифодаланади. Буйруқ гаплар бадиий адабиётларда, диалог формасидаги нутқда, расмий-иш қоғозлари услубида, турли чақириқларда, илмий услубга оид машқ ва топшириқларда кўп қўлланади. Буйруқ гапнинг кесими кўпинча буйруқ майлидаги феъллар билан ифодаланган бўлади. Буйруқ гапларнинг бу турида кесим таркибида -гин(-гил) аффикси келиши ҳам мумкин. Бу вақтда буйруқ илтимос, сўраш оттенкасига эга бўлади. Буйруққа таажжуб оттенкасини бериш учун гап кесими юклама олиб келади»⁴⁶. Тилшунос

⁴² Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, Б.1983. – Б. 86.

⁴³ Абдуллаев А. Ўша асар. – Б. 87.

⁴⁴ Ҳайназарова М. Сўроқ гапларда шакл ва мазмун номувофиклиги. Филол. фанл. номз. ...дисс. – Тошкент, 1999. – Б. 150.

⁴⁵ Ўша диссертация. – Б. 47.

⁴⁶ Шомақсудов А, Расулов И, Қўнғуров Р, Рустамов Х. Ўзбек тили стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б. 158-159.

М.Йўлдошев ҳам ўзининг «Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари» деб номланган ўқув қўлланмасида бундай конструкцияларнинг бадий матнда қўлланилиши ҳақида қисқача маълумот бериб ўтади. У буйруқ-истак гаплар асосида шаклланган матнни буйруқ-истак мазмунли матнлар деб атайди⁴⁷. Бадий асарлар тилидаги буйруқ актининг тўлиқ англаниши, аввало, императив ситуация – буйруқ вазиятининг қай даражада мукамал ҳосил қилинганига боғлиқ бўлади. Ўзбек бадий асарларининг тили ўрганилганида буйруқ вазияти эстетик талаблар асосида ошқора ёки яширин тарзда берилиши кузатилади. Императив ситуация – буйруқ вазияти бажарилган ишдан хурсандлик, мамнунлик ҳолати, қатъий буйруқни ифодалаш, ҳақоратни ифодалаш, мурожаат қилиш, тасдиқлаш, маъқуллаш маъноларини ифодалаш, ҳайратланишни ифодалаш каби шаклларда намоён бўлади. Муаллиф сўзни нишонга беҳато уриш ҳамда буйруқ актининг реаллашишига мос вазиятни шакллантириб бўлгандан сўнггина императив birlikларни қўллайди. Императивларнинг ишлатилишида ёзувчининг маҳорати унинг қай даражада сўзга эътиборли эканлиги билан белгиланади. Бундай вазият муайян даражада етилмаган, қиёмига етмаган ҳолатларда императив birlikларнинг кенгайган тарзда қўлланилиши кузатилади. Вазият таранглиги юқори бўлган ифодада бунинг аксини кўришимиз мумкин. Императивларни атрофлича ўрганиш ва уларнинг кўринишларини таснифлашда вариантларнинг ниҳоятда кўплиги боис муаммони диссертацион планда тадқиқ қилиш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу ўринда, ўзбек тилида ҳис-ҳаяжон ва буйруқ билан боғлиқ модаллик муаммоси қадимдан анча фаол ривожланган бўлиб, буйруқ берувчи ва буйруқ қаратилган шахс ўртасидаги субординациянинг қатъий белгилаб қўйилганлиги ва таомилда мунтазам амал қилинганлигини ҳамда бугунги кунга қадар ҳам урф-одат коди остида яшаб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Иккинчи бобнинг «**Шеърий матнда қўлланилган императив қурилмаларнинг лингвопоэтик хусусиятлари**» деб номланган 2.1- қисмда шеърий асарлар тилида қўлланилган буйруқ ифодаловчи қурилмаларнинг ўзига хос кўринишлари текширилган. Ўзбек тилшунослигида манзум асарлар тилига бағишланган кўплаб диссертацион тадқиқотлар яратилган. Масалан, Б.Умурқулов ўзининг поэтик нутқ лексикаси тадқиқига бағишланган монографиясида лексик birlikларнинг шеърий тил қонуниятлари асосида қўлланилиш услуби ҳақида фикр юритади. И.Мирзаевнинг илмий тадқиқотида шеърий матннинг лингвопоэтик интерпретация муаммолари ўрганилган. Шеърий матн тили бўйича қилинган яхши ишлардан бири сифатида Г.Муҳаммаджонованинг «80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи» мавзусидаги диссертациясини кўрсатишимиз мумкин. М.Йўлдошевнинг «Бадий матннинг лингвопоэтик тадқиқи» мавзусидаги диссертациясида бадий матн турларидан қатъи назар умумлаштирилган ҳолда текширилган ва ҳар қандай матннинг ўзига хос хусусиятига эътибор қаратилган. Лингвопоэтик тадқиқ тамойиллари ишлаб

⁴⁷ Йўлдошев М. Бадий матн ва унинг лингвопоэтик таҳлили асослари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 25.

чиқилган. Мазкур диссертацияда шеърий, насрий ва драматик матн турларининг ҳар бирида бадиийликнинг ўзига хос тарзда намоён бўлишига эътибор қаратилган. Ишда тил бирликларининг поэтик актуаллашуви ва интертекстуаллик масаласи кенг ёритилган бўлиб, бу ходисани шеърий матнга кенг татбиқ қилиш мумкин ва зарур деган фикрдамиз. Чунки айнан шу икки ҳодиса орқали шеърий матннинг лингвопоэтик хусусиятини атрофлича очиб бериш мумкин. Шу маънода бадиий матнда қўлланилган императив бирликлар ҳам қизиқарли маълумотларни беради. Шеърий матнда қўлланилган императив қурилмаларнинг лингвопоэтик хусусиятлари текширилганда бундай бирликларнинг матнни шакллантириш имконияти ва матн бутунлигига хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Таҳлилда шунчаки императивларни аниқлаб, матндаги функциясини шарҳлаш билан чекланиб қолмасдан уларнинг бадиий матн бутунлиги ва матннинг шаклланишига қўшган ҳиссаси, матнлараро алоқадорликни таъминлашдаги вазифаси кабилар ўрганилиши лозим. Буйруқ конструкцияларининг муҳим хусусияти шундаки, у хабар ва айтиш пайтда фаолият ҳамдир: бунда сўзловчи ўз истагини билдирибгина қолмайди, балки нутқ қаратилган шахс истакни бажаришга мажбур қилинади. Императивлар волюнтатив семантикада гапнинг шаклланишини таъминловчи универсал грамматик восита ҳамда коммуникатив-прагматик категориялардан бири ҳисобланади. Бадиий матнда бундай бирликлар воситасида шоир ва ёзувчилар алоҳида эстетик мақсадларни беришга ҳаракат қиладилар. Шеърий матнда қўлланилган императив қурилмалар матннинг таъсир кучини оширади, нутқ қаратилган шахсни фаолликка ундайди ва шеърнинг интонацион бутунлигини таъминлашга хизмат қилади. Императивлар ташкилланиш тарзига кўра турлича бўлади. Асосий кўринишлари интонация, буйруқ майли кўшимчалари, график кўрсаткичлар ҳисобланади. Императивлар таркибида матнлараро алоқадорликни таъминловчи бирликлар – аллюзив номлар, прецедент бирликлар, поэтонимлар иштирок этиши мумкин.

Мазкур бобнинг 2.2-қисми «**Насрий матнда қўлланилган императив қурилмаларнинг лингвопоэтик хусусиятлари**» деб номланади. Насрий матн масаласи филологияда кўп мурожаат қилинган матн турларидан бири ҳисобланади. Буни мутахассислар насрий матннинг мураккаб тузилиши билан боғлашади. Шеърий нутқнинг бадиий-эстетик жиҳатларини ўрганиш ва очиб бериш нисбатан қулай, чунки узоқ асрлардан бери ишланиб келаётган аниқ қоидалар, тайёр қолиплар бор. Лекин наср бадиий ижоднинг нисбатан янги ва кўп қатламли майдони ҳисобланади. Шу сабаб бу масалада муаммолар, талқинлар ва таҳлиллар ҳали-бери тугамайди. Масалан, адабиётшунос олим Д.Қуронов насрий матн муаммосини шу тарзда тилга келтиради: «Насрий асар тилининг бадиияти ўзгача, унга шеърият мезонлари билангина ёндашиб бўлмайди. Дейлик, насрий асар тилидаги кўчимлар, турли услубий фигуралар ҳақида гапириш билан чеклансак, у ҳақда деярли ҳеч нарса айтмаган бўлиб чиқамиз»⁴⁸. Аслида, ҳар қандай матннинг шаклланишидаги дастлабки бирлик сўздир. Фикрни ифодалаш услубига кўра танланган сўзлар турли бирикмалар ва

⁴⁸ Қуронов Д. Бадиий наср тили ҳақида мулоҳазалар. Э-ресурс: <http://quronov.narod.ru/dmaqk21.html>

гапларни ҳосил қилади. Матн эса гаплардан тузилади. Матн турига кўра интонацион воситалар (ритм, ассонанс, аллитерация, такрор) танланади.

Эшикдан киришим билан ҳарбийлардан бири – новчадан келган, малла сочларининг учлари қошларига нафис эгилиб тушган хушсурат ўрис капитан полни гарч-гурч босиб, эшикка келди-да, унинг илмогини солиб:

- Тинтув тугагунча энди ҳеч ким уйга кирмайдиам, чиқмайдиам! - деди юракка гулгула солувчи бир қатъият билан. (О.Ёқубов. Музқаймоқ.)

